

Ҳазрати Умар ўпган бош



08:00 / 27.12.2020 2099

Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу румликлар устига бир қўшин юборди. Қўшинда саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Ҳузофа исмли зот ҳам бор эди, румликлар қўлига асир тушиб қолди. Уни Рум қиролининг ёнига олиб бориб, «Бу одам Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) саҳобаларидан экан», дейишди. Қирол Абдуллоҳга шундай деди:

- Сени ўзимга шерик қилиб олсам, насроний бўласанми?
- Мени ўзингга шерик қилиш у ёқда турсин, бутун салтанатингни менга ўтказсанг ва бунга қўшимча арабларга қарашли барча ерларни менга берсанг ҳам, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динидан асло воз кечмайман.
- Ундай бўлса, сени ўлдираман.
- Билганингни қил.

Бу савол-жавобдан ҳайрон қолган қирол уни чормихга осиб, отишни буюрди. Лекин отувчиларга: «Ўқ отаётиб, теккизманглар. Ҳар сафар отишдан олдин насронийликни таклиф қилинглар», деб шивирлади. Камончилар шундай қилишди. Аммо Абдуллоҳ насронийликни қабул қилмагач, қирол бошқа йўл тутди. Каттакон қозонга сув тўлдириб, қайнатишди. Бошқа бир мусулмон асирни келтириб, «Насроний бўлмасанг,

сени шу қайноқ сувга отамиз», дейишди. Мусулмон буни қабул қилмагач, қайноқ қозонга ташлаб юборишди. Қирол энди қайноқ сувга Абдуллоҳни ташлашни буюрди. Аскарлар уни қозон олдига олиб келишган эди. Абдуллоҳ йиғлаб юборди. Дарҳол қиролга хабар қилишди. Қирол умидланиб, «Уни келтиринглар», деди. Олиб келишди. Қирол яна насронийликни таклиф қилди. Абдуллоҳ яна рози бўлмади. Қирол ҳайрон қолиб, сўради:

– Унда нега йиғладинг?

– «Ҳозир сени қайноқ сувга ташлашади. Бирпасда ўласан» деб ўйладим. «Қанийди вужудимда нечта тук бўлса, шунча жоним бўлса-ю, ҳар куни биттадан Аллоҳ йўлида фидо қилсам», дедим.

Бу қадар иймонга қойил қолган қирол: «Сени қўйиб юборсам, менинг бошимни ўпасанми?» деб сўради. «Бир ўзимни эмас, шерикларимни ҳам қўйиб юборсанг, бошингни ўпаман», деди Абдуллоҳ.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анҳу айтади: «Бу одам Аллоҳнинг душмани. Лекин ўзимни ва дўстларимни қутқариш учун шунинг бошини ўпсам ўпибман-да?» деб, бориб, унинг бошини ўпдим. У ҳам асирларни қўйиб юборди».

Абдуллоҳ асирлар билан Мадинага келгач, бўлган воқеани эшитган ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу шундай дедилар: «Абдуллоҳ ибн Ҳузофанинг бошини ўпиш ҳар бир мусулмон учун фазилатдир. Бу вазифани энг аввало мен адо этмоғим керак», дедилар ва туриб, Абдуллоҳнинг бошини ўпдилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан